

**ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДАГИ ЎЛИМ МАВЗУСИНИ БАДИИЙ
ТАЛҚИНИ ВА УНИНГ ИЛДИЗЛАРИ**

Имомов Элёржон Тўхтасинович
«Alfraganus University» катта ўқитувчиси

**THE ARTISTIC INTERPRETATION OF THE THEME OF DEATH IN
ENGLISH LITERATURE AND ITS ROOTS**

Imomov Elyorjon Tokhtasinovich
Senior Lecturer, Alfraganus University

Аннотация. Инглиз адабиётида ўлим мавзусининг ўзбек адабиётига таъсири масаласининг ўзига хослиги, муаммонинг бадийлик модуси, фалсафий-психологик талқини ҳамда қаҳрамон характерини индивидуаллаштириш, образ яратиш, масалага турлича раукрслардан туриб баҳо бериш, кўрқув, ваҳима ва тушукунлик, ёлғизлик, эгоистик принципларнинг бадий поэтик қийматини ўзига хослигини назарий томонларини ўрганишдан иборат.

Калит сўзлар: *Инглиз адабиёти, ўзбек адабиёти, ўлим, наср, трагедия, сюжет, мотив.*

Abstract. The study of the specifics of the issue of the influence of the theme of death in English literature on Uzbek literature, the artistic mode of the problem, the philosophical and psychological interpretation of the problem and the individualization of the heroic character, the creation of an image, the assessment of the problem from different perspectives, the specifics of the artistic poetic value of fear, panic and depression, loneliness, and egoistic principles, as well as the theoretical aspects of the study.

Keywords: *English literature, Uzbek literature, death, prose, tragedy, plot, motif.*

Аннотация. Исследование специфики вопроса влияния темы смерти в английской литературе на узбекскую литературу, художественного подхода к

проблеме, философско-психологической интерпретации проблемы и индивидуализации героического характера, создания образа, оценки проблемы с разных точек зрения, специфики художественно-поэтической ценности страха, паники и депрессии, одиночества и эгоистических принципов, а также теоретических аспектов исследования.

Ключевые слова: *английская литература, узбекская литература, смерть, проза, трагедия, сюжет, мотив.*

Америка ва Европа халқлари адабиётининг забардаст ваакиллари XX аср ва унғача бўлган оралиқда хилма-хил синовларни бошидан ўтказди. Бу борада ҳар бир ёзувчи ўзининг изланишларида баҳоли-кудрат юзага чиқаришга эриша олди ҳам. Мана шу тамойил (концепт)лар ўлимга олиб борувчи инсоннинг тақдири азал битикларида ҳам сураатланди. Дунё адабиётининг илғор ёзувчилари ўлим мавзусига турли хил мотивлар, сюжетлар, ғоялар, формулалар негизида ўз ифодасини бера олди. Бу ўз-ўзидан қайсидир маънода ўзбек адабиётига инглиз, француз, рус ва турк адабиёти намуналари негизида қайсидир маънода таъсирини кўрсатди. Чунончи, ўлимнинг турли хил шакллари, уни фодалаш усуллари бор эканки, ёзувчи муаммога қайси мезондан туриб ёндашиши лозимлигини, уни ҳис қилиш, ифодалаш манерсининг ҳаққонийлигини, ишончлилигини ҳам бир қарашда унутмасдан қадам ташлаганларигина ўқувчиларда психо-эстетик туйғуни ҳосил қила олиши тайиндир. Унда ўлимга ишониш, ҳаққоний ифодалаш, суъний бўрттиришлар, ёлғон тўқима ва уйдирма воқеалар билан ўқувчииларни “жалб” қилиш усули ҳам кўп-кўп кўзга ташланади. Мана шу мезонларни назарий-илмий жиҳатдан талқин қилиши олдимизда турган долзарб муаммолардан бири эканлиги аёнлашади!

Инглиз бадиий насрида трагик вазият ва унинг тарихий илдизлари. Муаммонинг тарихий илдизларига диққат қаратадиган бўлсак, бутун дунё адабиётида бўлсин, трагик ва комик вазиятлар акс этгавн сахна

асарлари, умуман, сахнавийлик, фожеаларнинг қандай келиб чиқиш сирасорлари билан бориб туташади. Чунки XX аср бошларига қадар трагедиялар руҳи билан суғорилган жуда кўплаб асарлар “саёр сюжет”лар бутун Европа халқлари бўйлаб кезиб юришган. Ўзимизнинг ўрта асрлар адабиётида Навоий, Бобур ва бошқа мумтоз шоирларимизга қадар ҳам трагедияга хос бадиий унсурлар ифодаланган қанчадан-қанча дostonлар ёзилди. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ҳам бир зимдан кўздан кечирганда муаммонинг илдизи анча олис нуқталарга бориб туташувини ҳис этади киши. Фожеавилик ҳар асарнинг арихтектоникасида, сюжет ва воқеалар ривожиди хилма-хил турзда ифодаланиб, вақтнинг ҳукми ҳамда синовлари билан янги-янги ижод шакллариининг пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Мана шу концепция инглиз уйғониш адабиётида Уильям Шекспир ижодида яққол кўзга ташланади. Дейлик трагедия жанрида – ўлим ва ҳаёт мавзуси акс этар экан, кейинчалик бу жараёнлар насрий ифодаларда ҳам яққол юзага чиқа бошлаганини унутмаслик лозим. Бу ҳақда профессор Муҳаммаджон Холбеков шундай ёзади: “Шекспир ижодида катта ижобий бурилиш ясаган, маҳорат мактаби ҳисобланмиш унинг энг машҳур асари “Ҳамлет” фожиасидир. Дания шаҳзодаси Ҳамлетнинг фожиавий ҳаёти тарихчи Саксон Грамматикнинг “Данияликлар тарихи” китобидан олинган бўлиб, бу мавзуда Шекспирга қадар француз адиби Белфор ва инглиз драматурги Томас Кид ҳам драмалар ёзгандилар. Бироқ улар яратган Ҳамлет образи сахнада Шекспир Ҳамлетидек шуҳрат қозонолмади. Трагедиянинг бош қаҳрамони шаҳзода Ҳамлет отасининг қотили ўз амакиси Клавдий эканини билгач, оғир қайғуга ботади. У қотил Клавдийнинг жирканч қиёфаси ва мунофиқлигини фош этиб, ундан қасос олиш ўз зиммасига тушганини тушиниб етади. Бўлиб ўтган даҳшатли воқеалар уни адолатсизликлар ва бузилган муҳитга қарши курашга отлантиради. Аввало Ҳамлет узоқ вақт ўзи билан, ўзидаги чигал, мураккаб ҳаёл ва ғайритабиий тушунчалар билан кураш олиб боради. Ўз бошига тушган ғам-ғусса уни бошқалар бахтсизлигининг сабабларини

аниқлашга ундайди. Қаҳрамоннинг шахсий изтироби унинг атрофидаги одамлар қайғуси олдида ўз аҳамиятини йўқотади. Акс ҳолда, у бадбахт Клавдийдан аллақачон отаси учун қасос олган бўларди”. Ҳақиқатдан ҳам, саҳнавийлик мавзуси акс этган қатор асарларда ёзувчи (муаллиф) ўзининг вақт ва унинг қалтис вазиятларидаги инсон руҳияти билан боғлиқ – ёвузликнинг эзгуликка мудоми қаршилиги, Шайтоннинг қутқуси доим одамларга азият, кулфат келтириши, бахтсизлик орқасидан яна бахтсизлик, йўқотилган умр сарчашмаларининг нақадар муҳимлигини кўрсатишга боғишланганлигида кўринади. Ана шу мезон кейинги йиллар насрига кўчиб ўтиб, алалоқибатда биринчи жаҳон урушига қадар ва ундан кейинги оғир вазиятларда одамзод бошига кетма-кет ёғилган кулфатлар катта мавзуларнинг майдонга келишига туртки бўлди.

Инглиз насрида ўлим мотиви ва унинг психологик илдизлари.

Янгиланаётган ҳар қандай даврнинг ижтимоий-руҳий илдизи тарихий жараён билан бевосита туташувида кўзга ташланади. Бу ташланиш оқибатида инсон ҳар бир даврнинг муҳим босқичларини ягона эстетик марказда уюштиришга диққат қаратади. Айниқса, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларининг олдинги қиёфасига назар ташлайдиган бўлинса, муаммонинг ўз-ўзидан тарихий қамрова юзага чиқа бошлайди. Ана шу мезоннинг муҳим аспектида – одамзоднинг бир-бирига бўлган ишончи, оила, Ватан ва унинг равнақи йўлида олиб бораётган хизматлари уйғунлашиб кетган бўлади. Мазкур процесс, қачон ва қандай амалга оширилиши, қадим мифологик мактабларнинг, кейинчалик Уйғониш даврининг, ундан кейин XX асрнинг бошларидаги инсон омили билан рўй берадиган жараёнларнинг тадрижий тараққиётига уйғунлашиб намоён бўлганини кўрамыз. Дунёда ҳар бир инсон бахтли бўлишга ҳақли деган концепция негизида умид ва ишон туйғуси ана шу талқинни ривожлантира боради. Муҳим муносабатлар ва Аллоҳга бўлган муҳаббат, эътиқод қурқувни енгиб ўтиш, хатарлар, хавлар, йўқотишлар, фожеаларни бартараф этишга олиб келади.

Демак, ўлимни фалсафий нуқтаи назардан талқин қилганимизда куйидаги манзара ҳосил бўлади:

1. Табиий ўлим. 2. Жамият билан боғлиқ ўлим. 3. Ихтиёрий ўлим. 4. Фожавий ўлим.

Кўринадики, фалсафий-диний нуқтаи назаридан ўлимнинг моҳиятини ҳар бир одамнинг ўзи мустақил ҳис қила олмайди. Шу боисдан ҳам, ўлим ваҳми ҳамиша ҳар бир бандани ҳар лаҳзада **“ҳаёт-мамонт”** ўчоғига солишга тайёр туради. “Инсон ҳаётининг маъноси унинг ўлимига ҳам маъно бағишлайди, ҳаётнинг олий қадрият эканини исботлаган ўлим ўзи қадриятга айланиб, еамуна тарзида яшай бошлайди. Чунончи, ўз ҳаётини бағишлаш билан, Доро лашкарининг йўлини тўсиб, Ватан эркини сақлаб қолган Широқ, илмий ҳақиқат ҳимоясида туриб, унинг ғалабаси учун гулханда ёндирилишига рози бўлган Жордано Бруно, сафдошлари ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида кўксини фашистлар ўт очиш нуқтасига қалқон қилиб, ҳалок бўлган Тўйчи Эрийгит ўғлининг ўлими бунга мисол бўла олади. Бунда бир инсоннинг ўлими, одатда энг катта ёвузлик деб ҳисобланадиган ўлим эзгуликка айланганини кўрамыз.

Демак, Ғарб ёки Шарқ бадий тафаккурида бир-бирини тўлдирувчи, кўчиб юриувчи сюжетлар, ғоялар, бадий воқеликлар негизида – ўлим мавзуси алоҳида бир ўрганишни тақозо этадиган сирли ва умумбашарий жараён эканлиги аёнлашади.

Умуман, ўлим мавзуси ниҳоятда хилма-хил ва турли-туман фалсафий оқимлар негизида намоён бўлиб, бадий адабиётда – инсон омили билан, яқка шахс сабабкори билан натижасиз якун топиши шундандир. Бадийлик шартлари ва мезонларининг бир-бирини тўлдирувчи моҳиятида ўлим мавзуси бугунги бадий асарларда ҳам техноген дунё қиёфасини тўлақонли намоён этишга имконият беради. Зеро, глобал дунёда ўлимнинг ҳам олдинги даврларга қараганда анчайин турларга ажралгани бор гап. Замонавий дунё

одамида ўлим ваҳмини англаш экзислари ҳам тобора сиқик бир оламни кашф этишга рағбат уйғотганлигида сезилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулла Шер. Абадият ва умр. –Т: “Файласуфлар” нашриёти. 2017-йил. –Б.186-187.
2. Назар Эшонқул. “Мендан-менгача”. –Т: “Академнашр”. 2014. –Б.332.
3. Ҳамроқулова Х. XX аср ўзбек насрида ҳаёт ва ўлим муаммосининг бадий талқини. Филол.фан.док.автореферати. –Т: 2018. –Б.14.
4. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/ingliz-uygonish-davri-dramaturgiyasi-uilyam-shekspir/>
5. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/dante-navoiy-shekspir/>